Tajriba, sinov, natija

# ҲАР БИР КУНИМИЗ—СИНОВ

Муаллим бўлишга аҳд қилган талабалар билан ҳамсуҳбат бўлиб қолсам, уларга, албатта, бир саволни бераман. "Ўқитувчи қандай фазилатларга эга бўлмоғи керак?" Талабалар бирма-бир санай бошлашади: "Меҳнатсеварлик, ҳалоллик, иродалилик, изланувчанлик, ташаббускорлик..." Баъзида улар айтган фазилатлар қаторига "меҳрибонлик" сўзини қўшиб қўйишимга тўғри келади. Негаки, болани севмайдиган, унга қалб меҳрини бера олмайдиган кишидан чинакам маънодаги педагог чиқмайди. Айниқса, бошланғич синфларга таълим-тарбия берувчи ўқитувчиларда болаларга бўлган меҳр-муҳаббат кучли бўлиши керак. Муаллиму муаллималаримиз буни яхши тушунишади, ўқувчиларини беш қўлдек билишга, уларга таълим-тарбия беришда ўзига хос ёндошувларга эга бўлишга ҳаракат қилишади.

Болаликнинг беғубор дунёси бор. Бошланғич синф ўқувчилари ҳам боликнинг ўша беғубор дунёсида яшаётган бўлишади. Уларни эрта тонгдан то кеч пешингача димиққан синфларда ушлаб ўтириш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Болаларни вақти-вақти билан турли ўйинларга жалб этиш, сайр қилдиришга тўғри келади. Услубий бирлашмамиз йиғилишларида бу каби масалаларни муҳокама қилиб турамиз. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни талабларини бажариш ўқитувчиларимиздан изланиб, ташаббускорлик билан ишлашни талаб қилади. Биз бу мураккаб вазифани адо этиш учун янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва фаолиятимизда қўллашга ҳаракат қилаётирмиз. Дарс машғулотларини турли ўйинлар асосида ўтаяпмиз, ўқувчиларга тест синови сир-синоатларини ўргатиб бораяпмиз. Бунда ўқувчиларни расмларда тасвирланган лавҳаларни эркин ва мустақил тарзда оғзаки баён қилиб беришга ўргатмоқдамиз.

Болалар жуда синчков ва ҳар нарсага қизиқувчан бўлишади. Улар уйда, кўчада, мактабда турли-туман одамларни ва воқеаларни кўрадилар. Ҳар куни уларни ана шу кўрган-кечирганларини сўзлаб беришга одатлантириш болаларнинг адабий нутқини ўстиришга ёрдам беради. Ҳуқуқий таълим бериш ҳам доимий эътиборимизда. Бошланғич синф ўқувчиларига қўйиладиган талаблар ошиб бормоқда. Д.Матёқубова, С.Худойберганов, Н.Раҳимова, Г.Матюсупова каби ташаббускор ва изланувчан ўқитувчиларимиз ёшларга таълим-тарбия беришда ўзига хос услубга, ёндашувга эга. Шу боисдан, болаларимиз яхши савод чиқариб, дастлабки билим ва кўникмаларни қунт билан эгаллаётир. Мактабимизда ўқитувчилар фаолиятига фанлар олимпиадасига қараб баҳо бериш одат тусига кирди. Айниқса, мустақиллигимизнинг шарофати орқали нафақат катта ёшдаги ўқувчилар, балки бошланғич синф ўқувчилари ўртасида ҳам беллашув ва мусобақалар ўтказила бошланди. Бу нафақат ўқувчи қалбидаги билимни синаш, балки, унга таълим-тарбия бераётганининг кўзгуси сифатида ўтказилаётган тадбирлардир, десак муболаға бўлмайди. Инсон ҳаётдаги барча ўзгаришлардан воқиф бўлиб тургани каби ўқитувчи зиммасида ҳам илм-фан соҳасидаги ўзгаришларга эътиборини қаратиб туриши ҳозирги замон талабининг меъёрий қонунларидан саналади.

Шу сабаб бўлса керак, ўқувчиларимдаги дарсга бўлган эҳтиёжи, қизиқиши ва кўникмаси кундан-кунга ортиб, баъзи ўқувчиларимиз туман олимпиадаларида қатнашиб фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқдалар. Она тили ва ўқиш фани бўйича 1999-2000 ўқув йилида Саодатжон Юсупова фахрли 1-ўринни олган бўлса, 2000-2001 ўқув йилида Шоҳиста Душамова фахрли 3-ўринни олишга муваффақ бўлди. Мақоламни муаллимнинг болажонлиги, меҳри ҳақидаги сўзлар билан бошлаган эдим. Чиндан ҳам, меҳр кўздами, ё сўзда? Йўқ, меҳр муаллимнинг бутун вужудида жамулжам бўлган бўлиши керак, шундагина у тил орқали сўзга, сўз орқали кўзга, кўз орқали эса ўқувчи қалбига кириб боради ва юзага чиқади. Демоқчиманки, баркамол авлодни фақатгина соғлом ва ақлан етук мураббийлар тарбия қила олади ва уни жаҳонга танитади.

**Замира ШИХНИЁЗОВА,**
**Хоразм вилояти Шовот туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси**

# YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ

20-дарс

## БОШ ҲАРФЛАР БИЛАН ЁЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Саводхонлик ҳарфларни тўғри ёзиш ва ўқиш, сўзларни имло хатоларисиз ёзиш билангина чекланмайди. Сўзнинг маъносини тушунган ва нутқдаги вазифасини тўғри белгилаган ҳолда ёзиш ҳар бир саводли кишидан бош ҳамда кичик ҳарф билан ёзиладиган сўзларни ўринли қўллай билишни талаб қилади. Гарчи араб ёзувидаги алифбода бош ҳарфлар фарқланмаса-да, кирилл ва лотин ёзувидаги алифболарда бош ҳарф билан ёзиладиган сўзлар имлосини билиш саводхонликнинг муҳим шарти саналади. Зеро, бош ҳарф ва кичик ҳарф билан ёзиладиган сўзларни алмаштириб ишлатиш сўз маъносининг нотўғри тушунилишига олиб келади. Масалан, oy, lola, zuhra, bodomzor сўзлари нарса, белги, жой номини билдирса, Oy, Lola, Zuhra, Bodomzor сўзлари сайёра номини, киши исмини, географик номни англатади.

Жамият тараққиётига боғлиқ ҳолда ижтимоий онг ва дунёқарашнинг ўсиши, адабий тилнинг ривожланиши имлода бош ҳарф билан ёзиладиган сўзларнинг кўпайишига олиб келди. Лотин ёзувидаги ўзбек алифбоси асосида тўғри ёзишда бош ҳарфлар билан ёзиш амали асосан қуйидаги ҳолатларда қўлланишини эсдан чиқармаслик лозим:

1. Мустақил гап бошидаги ҳар қандай биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилади. Шеърий матнларда эса ҳар бир мисра бош ҳарф билан бошланиши керак.

Бу қоида нуқта, сўроқ, ундов белгиларидан сўнг, шунингдек кўп нуқтадан кейин келадиган гапга ҳам тегишлидир. Масалан: ***Tun... Birov keldi. Eshikni qoqdi. Anvar! Uydamisan?***

2. Кишиларнинг исми, отасининг исми, фамилияси, тахаллуси, рамзий оти бош ҳарф билан бошланиб ёзилади. Масалан: ***Abror Rahimov, Lobar Rasulovna, Nusrat Sobir o'g'li, Oybek, Pardozoy*** каби.

3. Ёзма мурожаатда ҳурмат маъносида қўлланувчи ***Siz*** ва ***O'zingiz*** олмошлари бош ҳарфлар билан ёзилиши керак.

4. Ҳайвонлар, қушлар ва бошқа жонзотларга атаб қўйилган номлар ҳам атоқли от саналгани учун бош ҳарфлар билан бошланади. Масалан: ***Olapar, Uchqur, Mallaboy, Mitti*** каби.

Маълумки, тилимиздаги барча атоқли отлар ёзилганда ҳар вақт бош ҳарфлар билан бошланиши лозим. Атоқли отларнинг асосий қисмини юқорида кўрганимиздек киши исмлари ташкил этса-да, географик номлар ҳам атоқли отларнинг катта гуруҳи ҳисобланади. Шунинг учун қуйидаги географик номларни ҳамиша бош ҳарф билан ёзишга одатланиш керак.

1. Мамлакат, шаҳар, қишлоқ, маҳалла номлари: ***Olmoniya, Buxoro, Afshona*** каби.

2. Тоғ, дарё, яйлов, тепалик, кўл, канал кабиларнинг номлари: ***Chortoq, Zarafshon, Oqdaryo, Qamchiq darasi, Chorvoq suv ombori*** каби.

Бундай атоқли отлардан олдин сифатловчи қўлланса, ҳар иккаласи бош ҳарф билан ёзилиши керак. Масалан: ***Markaziy Qizilqum, Quyi Amudaryo, Janubiy Surxon*** каби.

3. Осмон жисмларининг атоқли отлари ёзувда бош ҳарф билан ёзилади. Масалан: ***Mirrix, Katta Ayiq, Hulkar*** каби. Сайёра номи сифатида қўлланувчи ***Quyosh, Oy, Yer*** сўзлари турдош от бўлиб келганда кичик ҳарф билан ёзилишини унутманг.

Бош ҳарф билан ёзиладиган сўзларнинг анча қисмини турли ташкилот, корхона, ишлаб чиқарилган маҳсулот, транспорт, яратилган адабиёт ва санъат асарларига атаб қўйилган атоқли отлар ташкил этади. Бундай номлар қўштирноқ ичига олиниб, бош ҳарф билан ёзилиши лозим. Масалан: ***"Turon" mehmonxonasi, "Yulduz" fabrikasi, "Girdob" romani, "Tanovar" kuyi, "Sharq" matbaasi*** каби. Агар атаб қўйилган номлар бирикма шаклида бўлса, фақат биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилиши лозим: ***"Yillar armoni" she'riy to'plami, "Tong yulduzi" gazetasi*** каби.

Муҳим тарихий сана ва байрамларнинг номлари таркибидаги биринчи сўз ҳам бош ҳарф билан бошланади ва қўштирноққа олинмасдан ёзилади. Қаранг: ***Mustaqillik kuni, Ramazon hayiti, Navro'z bayrami.***

Шу нарса маълумки, кўпинча олий ташкилот, юксак фахрий унвонлар, олий мансабларни билдирувчи сўз ва бирикмаларни бош ҳарфлар билан ёзишда хатоликларга йўл қўйилмоқда. Бунинг сабаби, аввало, бош ҳарфлар имлосини билмасликда бўлса, иккинчидан, шу ташкилот, лавозим ёки унвоннинг бошқа муқобили йўқлигини, ягоналигини тушунмасликдан келиб чиқади, дейиш мумкин. Шунинг учун бундай номларни ёзишга алоҳида эътибор бериб, қуйидаги қоидаларни эслаб қолинг.

1. Халқаро ташкилотлар, давлат, давлатнинг олий ташкилотлари ва мансабларининг номини билдирувчи ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади. Масалан: ***Jahon Tinchlik Kengashi, Qozog'iston Respublikasi, O'zbekiston Res-publikasi Prezidenti, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Raisi*** каби.

2. Бошқа ташкилотлар, жумладан, вазирлик, идоралар ва турли корхона, олий ўқув юртлари номи таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилиши керак. Масалан: ***Mudofaa vazirligi, Milliy matbuot markazi, Sharqshunoslik instituti, Toshkent Davlat pedagogika universiteti*** каби.

Бундай таркибли номларда олий лавозимни билдирувчи сўз қатнашганда ҳам фақат биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади. Агар бу хилдаги номлар олдида давлат номи кўрсатилса, у ҳам, яъни биринчи ва иккинчи сўз бош ҳарфда ёзилади. Қаранг: ***Xalq ta'limi vaziri, Bosh vazirning o'rinbosari, O'zbekiston Milliy universiteti rektori.***

Ташкилот, муассасаларнинг қисқартма отлари тузилишига боғлиқ ҳолда икки ҳолатда ёзилади. Агар қисқартма номнинг фақат биринчи ҳарфлари асосида тузилган бўлса, бу қисқартма номнинг барча ҳарфлари бош ҳарфда ёзилади. Масалан: ***BMT (Birlashgan Millatlar Tashkiloti), RF (Rossiya Federatsiyasi), TDTI (Toshkent Davlat tibbiyot instituti)*** каби. Агар қисқартманинг бир қисми номнинг бош бўғинидан иборат бўлса, бўғиннинг биринчи ҳарфи бош ҳарф билан бошланади. Қаранг: ***O'zR (O'zbekiston Res-publikasi), BuxDU (Buxoro Davlat universiteti), O'zOAV (O'zbekiston Ommaviy axborot vositalari).***

3. Олий даражадаги мукофот номи таркибли бўлганда унинг ҳар бир сўзи бош ҳарф билан бошланади. Масалан: ***"O'zbekiston Qahramoni" unvoni, "Oltin Yulduz" medali*** каби. Бошқа мукофотлар, унвон ва нишонлар номларини ёзишда эса фақат биринчи сўзни бош ҳарф билан бошлаш лозим. Қаранг: ***"Sog'lom avlod uchun" ordeni, "O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi"*** фахрий унвони, ***"Xalq ta'limi a'lochisi"*** нишони.

Лотин ёзувидаги ўзбек алифбоси асосида тасдиқланган янги имло қоидаларида берилган бош ҳарфлар имлосини фақатгина юқорида биз баён этган амаллар бўйича ўзлаштиришнинг ўзи кифоя эмаслигини таъкидлашни истар эдик. Зеро, иш юритишга оид ҳужжатларда, кўчирма гапларнинг турлича тузилишларида, хатбошилар орқали рақам ёки ҳарфлар билан ажратиб кўрсатиладиган таркибли матнларда бош ҳарф билан бошланадиган сўзлар янада фаол қўлланади. Ўрганиш ва машқ қилиш жараёнида бу турдаги матнларда бош ҳарфлар имлосига алоҳида эътибор беришингизни тавсия этамиз.

**1-топшириқ.** Ўзингиз билган жой номларини алифбо тартибида ёзиб кўринг. Қўшма сўз ёки бирикма тузилишидаги номларни алоҳида ёзинг.

**2-топшириқ.** Республикамизда чоп этилаётган газета ва журнал номларини янги алифбода икки устунга ажратиб ёзинг.

**Абдурозиқ РАФИЕВ,**
**ЎзМУ доценти, филология фанлари номзоди**

# ТАЛАБАЛАР МАМНУН(МИ)?

**1**

*Куз қишга ўрнини бўшатиб бермоқда. Салқин ҳаво совуғи билан алмашинди. Талаба халқининг аксариятига олий ўқув юртида ўқиш даврида бошпана вазифасини бажарадиган талабалар уйида иссиқ-совуқ сув маромида келиб турса, иситиш тармоқлари кўнгилдагидек ишласа, ҳожатхонада дилни ранжитадиган манзаралар кўзга ташланмаса, ана буни рисоладаги жой дейиш мумкин.*

*Тошкент Давлат фармацевтика институти талабалар уйидамиз. Биринчи ва иккинчи қаватларда ўғил болалар истиқомат қилишар экан. Санитария-гигиена талабларига мослик барча ётоқхоналарда ҳам кузатилавермайди. Бу ердаги саранжом-саришталикдан эса кўз қувнайди. Талаба Алимардон Раҳмоновни суҳбатга тортганимизда, оғзидан бол томди:*

*—Шароит бундан зиёд бўлмаса керак. Иситиш тармоқларини ушлаб кўрсангиз, қўлингиз куяди.*

*Алимардоннинг гапи рост экан. Деворга туташ батареяларнинг иссиқлиги чиндан ҳам қўл куйдирар даражада эди. Бу ерда истиқомат қилаётган 300 га яқин талабанинг қайси бири билан суҳбатлашманг, Алимардоннинг фикрини тасдиқлашига ишондик.*

*Институт ректорининг иқтисод ва тадбиркорлик бўйича муовини Раҳим Раҳматов қишга тайёргарлик жараёни хусусида бизга шундай деди:*

*—Институтимизда 1 та талабалар уйи мавжуд. Уларда республикамизнинг олис вилоят, туман ва қишлоқларидан келган талаба-ёшларнинг 300 нафари истиқомат қилади. Институт ректорати ва маъмурияти ҳар йилги қиш мавсумига ҳозирлик кўришни ёз ойларидаёқ бошлайди. Чунки ёзда талабалар таътилга чиқиб кетишади ва ётоқхоналар бўш туради. Турар-жойларни созлаш, таъмирлашда институтимизга Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳар йили ёрдам бериб келади.*

*Унинг тасарруфидаги бу институт, балки айримларда, тиббиёт соҳаси бўлгани учун санитария-гигиена талаблари қаттиқ қўйилса керак, деган тасаввурни уйғотиши мумкин. Лекин тозалик, озодалик ва саранжом-саришталик инсон соғлигининг гарови эканлиги ҳамма жойга, қолаверса, барча талабалар уйларига хос бўлиши керак.*

*Хўш, ҳамма жойда ҳам шундайми?*

Ikki xil manzara

**2**

Пойтахтдаги Талабалар шаҳарчаси... Бу ерда кўп қаватли ётоқхоналарнинг жуда кўпига кўзингиз тушади. Уларнинг барчасини кўриб чиқиш учун камида 2-3 кун вақт керак. Шу боис талабалар турар-жойларининг айримларига кирдик.

Ўзбекистон Миллий университетига қарашли 14-талабалар уйидамиз. Бу ётоқхонада 425 нафар 1-курс талабалари истиқомат қилишар экан. Шундоқ кираверишда уйнинг жиддий таъмирга муҳтожлиги яққол сезилиб туради. Лекин унинг ичкарисига кирганингизда, нафақат таъмирга, балки гигиеник талабларга ҳам зид ҳолатлар борлигига гувоҳ бўласиз. Ошхона столлари устида овқат чиқиндилари, газ плиталарининг ловуллаб ёниб ётиши кишини бироз ўйлантиради. Тежамкорлик ҳақида ким ҳам ўйларди, дейсиз?

Айниқса, ювиниш хоналарининг баланд шифтларидаги ўргимчак уяларидан қўрқувга тушасиз. Бу ерда талабалар қандай ювинишар экан? Тепадан нураб тушаётган оҳак, цемент парчалари киши дилида ғашлик қўзғайди. Наҳотки шундай шароитда яшаш мумкин бўлса?

Директор ўринбосари ўз исми-шарифини айтишдан бош тортиб, бизни Талабалар шаҳарчаси дирекцияси директори Адҳамжон Эргашевга рўбару қилди.

*—14-ётоқхона таъмирга муҳтожлигини ҳеч ким инкор этмайди. Лекин биз айнан шу уйдаги талабаларни капитал таъмирдан чиқаётган янги 18-уйга кўчириш мақсадида иш олиб бораяпмиз. Ўйлайманки, яқин кунларда бу мақсадга эришилади. Ўшанда талабалар барча қулайликлардан баҳраманд бўлиб, яшаш имконига эришадилар.*

Дарвоқе, яна бир гап. 14-талабалар уйи капитал таъмирга муҳтож бир пайтда унинг ичида замонавий техника воситалари мавжуд. Шу ўринда "Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ" деган мақолнинг аксинчасини қўллаш мумкин экан, деган хаёлга толдик.

Икки хил манзара, икки манзил. Гап нимада, манзилдами? Йўқ? Гап ҳар бир олий таълим муассасасининг талабалар уйига қай даражада муносабатда бўлишидадир. Бизнинг ниятимиз эса ҳамманики каби умумий ва холис. Талабага барча шароитлари муҳайё, ота-онаси, яқинлари кириб келганда, кўриб кўзи қувонадиган турар-жойлар керак.

**Ф.ЭРДОШЕВ,**
**"Маърифат" мухбири**

**Улуғ алломаларимиздан бири таъкидлаганидек, хат — абадиийдир. У бугун ва ўтмиш ўртасидаги алоқаларни тиклашда муҳим ўрин тутади. Шу боисдан ҳам ҳар бир халқ ўз авлодларига хат, яъни қимматбаҳо китоблар ёзиб қолдирганки, улар бугунги кунда ушбу эл ворисларининг ўз келажакларини бунёд этишда, юрт, Ватан равнақини юксалтиришда етакчи аҳамият касб этиб келмоқда. Ана шундай ноёб китобларни ўз ўқувчиларига етиб келишида эса, албатта, зиё маскани ҳисобланган кутубхоналарнинг ўрни беқиёс. Айниқса бу борада республика Марказий кутубхонасининг китобхонларга яратаётган имкониятлари алоҳида.**

**Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат**



## МАҲАЛЛАНГ ТИНЧ, ЎЗИНГ ХОТИРЖАМ

Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур туманидаги 21-Оқилон сайлов округида жойлашган 18 та маҳалла оқсоқоллари йиғинига Олий Мажлис депутати, Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори Б.Асқаров таклиф қилинди. У йиғин иштирокчиларига Олий Мажлис сессияларида кўрилаётган ва қабул қилинаётган қонунлар ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, Афғонистондаги воқеалар муносабати билан Юртбошимиз И.Каримов баёнотлари ҳамда халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисидаги маъруза ҳам оқсоқолларни бефарқ қолдирмади. Йиғинда "Бўстон" маҳалласининг оқсоқоли Абдусалом Отаматов, "Илғор" маҳалласи оқсоқоли Аҳмаджон Зокиров, "Чўпонота" маҳалласи оқсоқоли Ҳамид Акбаров, "Уйғур" маҳалласи оқсоқоли Эргашхўжа Исмоиловлар ҳам сўзга чиқишиб, ўз ҳудудларида тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида фикр алмашдилар.

**Н.ВОҲИДОВ**

# 45 ЙИЛДАН СЎНГ...

Камол топиб, ҳаётда ўз мавқеи, ўз ўрнига эга бўлган инсон вақти-вақти билан ўтган дамларини эслашни унутмайди. Ёдга олган сайин ўзининг шу даражага етишувида не-не азиз устозларнинг берган билими, панд-насиҳати, маслаҳати борлигини ҳис қилади. Мактабда, институтда, ишда, қаерда бўлмасин тақдир унга яхши инсонлар этагини тутишни насиб айлаганидан шукроналар қилади... Аммо... аммо ушбу улуғ устозлар ичида янада улуғроқ, янада буюкроқ зот бор-ки, у алоҳида эътиборга лойиқ. У устозлар устози. У биринчи муаллим!

... Орадан 45 йил ўтгач Баҳодир акада илк ўқитувчиси Раҳима опани қидириб топиш истаги пайдо бўлди. У фикрини синфдоши ва яқин дўсти Дилмурод акага билдирди. Улар биргаликда Раҳима опани қидира бошлашди. Излаган имкон топади деганларидек собиқ ўқувчилар ўз ўқитувчиларини излай-излай топишди. Онахон пойтахтимизнинг С.Раҳимов тумани, А.Муродхўжаев кўчаси, 21-уйда икки нафар ўғли, келинлари ва неваралари билан истиқомат қиларкан. Кириб келган меҳмонларни дастлаб онахон танимади. Улар ўзларини Шайхонтоҳур туманидаги 109-мактабдан эканликларини айтгач, кекса муаллима уларни ўз фарзандларидай бағрига босди. Онахоннинг ўша пайтдаги қувончи еру кўкка сиғмас, кўзларидан севинч ёшлари тўхтамасди. Шундан сўнг барча саъй-ҳаракатлар бошланди. Ҳамма синфдошлар бир куни йиғилиб онахон уйига кириб боришди.

«Хотира уйғонса гўзалдир» дейишади. 45 йилдан сўнгги бу учрашув ҳолатини тасвирлаш жуда қийин. Барча ҳаяжонда, барчанинг қалбида ширин титроқ. Хотиралар қайта жонланди. Тўкин дастурхон устида онахоннинг қўллари дуодан чарчамади. Ўша куни Раҳима Қосимова ўқитувчи, меҳмонлар эса ўқувчи бўлишди. Ҳов ўша мактаб ҳаёти, ўша қийин даврлар эсланди. Болаликдаги гуруҳ бўлиб тушган суратлар қўлма-қўл бўлди.

— Меҳнат фаолиятимни 1954 йили бир йиллик курсни тугатгач, ҳозирги Шайхонтоҳур туманидаги собиқ 109-мактабда илк бор ушбу синфга дарс беришдан бошлаганман, — дейди Раҳима опа Қосимова. — Бу орада Тошкент давлат педагогика институтининг география факультетини тамомладим. То нафақага чиққунга қадар С.Раҳимов туманидаги 119-мактабда дарс бердим. Ҳозир келиним Лазокатхон шу мактабда ишламоқда.

Бу давр ичида қанчадан-қанча шогирдлар етиштирдим. Бироқ, барчасидан ҳам мен учун ушбу синф қадрли. Негаки, булар менинг биринчи шогирдларим. Илк қалдирғочларим. Шу ўқувчиларим бир куни албатта мени излаб топишларини кўнглим сезиб турарди. Лекин бундай қувончли кун қачон келишини билмасдим. Худога шукур, шундай кунга муяссар бўлдим.

Синфдаги 25 нафар ўқувчининг ҳаммаси бугунги кунда олий маълумотли, ҳаётда барчасининг ўз ўрни бор. Улар орасидан муҳандисдан тортиб фан номзодларини ҳам учратиш мумкин. Дилмурод Тўлаев Тошкент Давлат

Diydor

техника университети доценти, Жамила Ғофурова Тошкент шаҳридаги касалхоналардан бирида ҳамшира, Равшан Ҳайдаров Тошкент авиация институти доценти, Баҳодир Мирзааҳмедов "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" акциядорлик жамиятида бўлим бошлиғи, Ҳасан Фирдаусов Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида масъул вазифаларда хизмат қилишмоқда.

Бу дунёда инсондан меҳр-муҳаббат, ҳурмат қоларкан. Ўша кундаги учрашувда барча синфдошлар бир зумда болага айланишди, бир-бирига сўз беришмади. Ўзларини гўёки мактаб партасида ўтиргандек ҳис қилишди. Бу дийдорлашув унинг қатнашчилари учун бир умр эсдан чиқмайдиган бўлди. Ана шундай тинч, осуда ҳаётда устозларни эслаш, хотирлаш савоблар ичида энг савоблисидир. Чунки буни онахоннинг ҳар бир гапларида, қарашларида ҳис қилиб турдик.

Сиз ҳам илк устозингизни эсдан чиқармадингизми?

**Иззат АҲМЕДОВ**

# «КАСБ МАҲОРАТИ»НИНГ ИЛК СОНИ




Diqqat: yangi nashr

Айни пайтда мамлакатимиз таълим тизимида рўй бераётган туб ислоҳотларнинг изчиллик билан амалга ошишини таъминлаш, илм масканларидаги таълим-тарбия жараёнида юксак муваффақиятларга эришиш, бу соҳада меҳнат қилаётган раҳбар ходимдан тортиб ҳар бир педагогнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини аниқ билиши ҳамда иш фаолиятини шу асосда ташкил этиши, бугунги ҳар бир ўзгаришдан ўз вақтида хабардор бўлиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда ана шундай шарафли вазифани ўз зиммасига олган нашрларимиз яна биттага кўпайди. ОЎМТВ Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази муассислигида "Ma`rifat-Madadkor" нашриёти томонидан чоп этила бошланган "Касб маҳорати" ахборотномаси Ўзбекистон таълим тизимида энг йирик ва муҳим ислоҳотларни бошдан кечираётган тизимдаги барча муассасалар, уларнинг раҳбарлари ва педагог ходимлари учун зарур маълумотлар манбаи сифатида юзага чиқди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ЎМКҲТ Маркази раҳбари Жуманазар Ҳусанов раислигидаги журнал таҳририяти ўз олдига ***таълим тизимидаги ислоҳотларга оид барча янгиликлар, расмий ахборотлар, хабарларни ўз вақтида соҳа ходимларига етказиш, шунингдек, уларни Парламент, Ҳукумат ва вазирлик томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништириш ва шарҳлаш; шу сингари меъёрий ҳужжатлар ижросининг ўзига хос мониторингини ҳосил қилиш; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарлари фаолиятидаги муаммолар, таклиф ва мулоҳазаларни биргаликда муҳокама қилиш; илғор педагогик технологиялар, илмий тадқиқотлар натижалари ва малакали педагогларнинг иш тажрибалари билан таништириш; хорижий мамлакатлар таълим тизимидаги янгиликлар таҳлили; ўқув дастурлари ва уларни жорий этиш билан боғлиқ илмий-педагогик маслаҳатлар; маънавий-маърифий руҳдаги материалларни бериб бориш*** каби вазифаларни қўйган.

Журналнинг ушбу илк сонида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мазкур соҳага оид қарорлари ва уларнинг иловалари, шунингдек, ЎМКҲТ Маркази томонидан қабул қилинган энг муҳим ҳужжатлар берилган.

Шу кунларда обуна жараёни "қизиб" турганлигини инобатга олиб азиз муштарийларимизга, ахборотноманинг индексларини ҳам эслатиб ўтишни жоиз деб топдик: **Якка обуначилар учун — 1006; Корхоналар учун 1007**. Обуна бўлишга шошилинг! Чунки бу ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги янгиликдир.

**Нурлан УСМОНОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири.**

*Оврўпада, ҳали Конституция ҳақида оддий тушунчага ҳам эга бўлинмаган даврларда Амир Темур давлатида Конституциявий қонунлар мажмуаси — «Тузук» мавжуд эди*

*Ўсмир ва ёшларимиз онгига уларнинг қонуний кафолатларини сингдириш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида тарғибот ишларини янада жонлантиришни давр тақозо этмоқда.*

# КОНСТИТУЦИЯМИЗ — БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

## мавзусида дарслар ўтиш бўйича услубий тавсиянома

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият асосларини яратишда Президентимиз И.Каримов ҳуқуқий давлатда қонун устувор бўлишини алоҳида таъкидлаб, "Ҳуқуқий давлатда қурол ҳам, қалқон ҳам қонундир... Қонун бу халқ иродаси ва у муқаддасдир", — дейди ва кучли ҳуқуқий демократик давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари деган шиорни илгари суради. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бунинг яққол далилидир, чунки, Конституциямиз инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўлларини очиб беради. Муҳими, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Асосий Қонунимиз бўлмиш Конституциямизда миллий манфаатлар ва интилишларимиздан келиб чиқиб, Шарқ ва Ғарбнинг турли мамлакатларида тўпланган илғор Конституциявий тажрибалар мужассамини топган.

Аслида ҳар бир суверен давлатнинг ҳуқуқий асосларидан бири — унинг Асосий Қонуни — Конституциясидир. Шу боис Конституция кунига бағишланган дарсларни ўтишда ўқитувчилар қуйидаги масалаларга асосий эътиборни қаратишлари керак:

1. Ўзбекистон мустақиллиги ҳуқуқий асосларининг яратилиши.
2. Конституциянинг ўзига хос муҳим хусусиятлари.
3. Конституция ва қонунларнинг устунлиги.
4. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш.
5. Давлат ва фуқаронинг ўзаро масъулияти.
6. Ҳокимият ваколатларининг берилиши.
7. Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — барча фуқароларнинг ишончли истиқболи.

Қуйида мактаб ўқитувчилари учун юқорида келтирилган мавзуларни ёритишларида керак бўладиган маълумотларни бермоқдамиз. Бу тавсиялардан республикамиз ўқитувчилари дарс жараёнида ижодий фойдаланишади.

Ҳар қандай давлатнинг обрў эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақиллик даврининг буюк неъматидир. Конституциямиз мустақиллик ва истиқлол тамойилларини ўзида мужассамлаштириб, қонуний, тўла акс эттирган илмий, юқори даражадаги ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Конституция ва қонунлар ҳуқуқий нормалар тизимида олий юридик кучга эгадир. Чунки, Конституция тушунчасининг ўзиёқ, давлатни бошқариш, мамлакат яхлитлигини таъминлаш демакдир. Шундай экан, унда мустақил давлат сифатида эътироф этилишини асосий ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларини ривожлантириш йўл-йўриқлари тўла мужассамланган. Қонунлар орасида Конституция — Ўзбекистоннинг асосий қонуни сифатида алоҳида мавқега эга бўлиб, олий юридик кучга эгадир. Конституция ва Конституциявий қонунларни фақат Олий Мажлис қабул қилиши мумкин, чунки, уларда Конституциявий тузум асослари, инсонлар ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда Конституцияга ўзгартиришлар киритиш тартиб қоидалари белгилаб қўйилади. Ушбу ҳужжат давлат ҳокимиятининг ташкил этилишини белгилайди. Конституциявий тузум асосларини, инсонлар ва фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлайди. Конституция амалдаги қонунлар учун юридик асосдир. Конституция қоидалари бошқа норматив ҳужжатларда ривожлантирилади ва аниқлаштирилади. Мисол учун Асосий Қонунимизда **"Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир"** (37-модда) деб айтилган бўлса, бу модда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексларида мустаҳкамланган.

Конституциямизда белгиланганидек, ҳозирги шароитда инсонпарвар, адолатли, демократик фуқаролар жамиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва такомиллаштириш мамлакатимиз ҳаётининг ўзига хос хусусиятидир. Демократик, инсонпарвар, адолатли фуқаролар жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги асосий мақсад, вазифа ва йўналишлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни тўла амалга оширишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлиб қолмоқда.

Аслида инсон ҳуқуқлари — демократик жамиятнинг умум эътироф этган тамойилларидан бирига киради. Хўш, инсон ҳуқуқлари ўзи қачон пайдо бўлган? Инсон ҳуқуқлари инсоннинг дунёга келиши билан боғлиқ бўлади. Бу тушунча бизнинг минтақамизда асрлар давомида яшаб келаётган қадриятдир, деса ҳам бўлади. Шарқда инсон ҳуқуқлари ва демократик жараён узвий равишда аста-секинлик билан тараққий топгани бизга тарихдан маълум. Чунончи, Шарқдаги ахлоқий қадриятлар жамоат фикрининг устуворлиги билан ажралиб туради. Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда Марказий Осиё ҳудудида яшаган массагетлар бир неча қабилаларни бирлаштирганлар. Уларнинг одатларига кўра урушларда асрга тушган одам қул қилинмасди, балки маълум бир оиланинг аъзоси бўлиб қолар эди. Бу эса унинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш азалдан халқимиз табиатига хос хислатдир.

Халқимизнинг муқаддас маънавий мероси ҳисобланган Қуръони Каримда инсон азиз ва мукаррам, барча мавжудотларнинг заррин тожи ва фазилатлари эгаси сифатида эъзозланади. Шуни айтиш жоизки, муқаддас китобда инсонларнинг илм олишларига ва ҳалол меҳнат қилишларига алоҳида эътибор берилган. Қуръони Каримда инсоннинг ҳақ йўлидан бориши, ноҳақ йўлдан тийилиши ўзига хос услубда уқтирилади. Ислом шариатида инсоннинг соғлиғига ва ақл-идрокига путур етказадиган иллатлар қораланади. Ҳадиси шарифлардан ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид бир қанча мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан, "Агар киши қизини эрга берса-ю, у ризо бўлмаса, никоҳ бекордир!" яъни, никоҳга кирувчиларнинг ҳар иккаласининг розилиги бўлиши керак. Бу ерда, айниқса, аёллар ҳуқуқлари ҳимоя қилинаяпти.

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга қаратилган инсонпарварлик ғоялари ўтмишдаги давлатчилигимизнинг тараққиётида ҳам ўз аксини топган. Қадимий Суғдиёна ва Хоразм давлатчилигидан тортиб, сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлатида инсон ҳуқуқлари юксак даражада эъзозланган. Мисол учун бошқарув тизими жуда яхши таниш бўлган Темур ва темурийлар давлатидаги инсон ҳуқуқларига бўлган муносабатни олиб кўрамиз:

Амир Темур давлатида давлат бошқаруви қонун-қоидаларга асосланган бўлиб, Қонун олдида бой ҳам, камбағал ҳам, оддий фуқаро ҳам тенг бўлиб, барчанинг ҳуқуқлари кафолатланган. Барча тоифадаги кишиларнинг давлат ишларида эркин фикр билдириши ва фаол иштирок этиш ҳуқуқи таъминланган. Рус олими Логофет ёзганидек: Оврўпада, ҳали Конституция ҳақида оддий тушунчага ҳам эга бўлинмаган даврларда Амир Темур давлатида Конституциявий қонунлар мажмуаси — "Тузук" мавжуд эди ва амалда бўлган "Темур тузуклар"ида фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга эътибор берилган, мисол учун бирорта ҳам аскарнинг доимий туриши учун шахсий кишилар уйини эгаллашга ёки фуқароларнинг бойлигини ўзлаштириб олишга ҳаққи йўқ эди. Ёки бўлмаса, судлов ишларини оладиган бўлсак, фуқароларнинг қилган гуноҳи, айбли ишлари учун жазо беришда адолатнинг қатъий бўлишини талаб қилган. Мисол учун бирор шахснинг айби тўртта далил билан исбот қилинса, у кишига қилган айбига қараб жазо берилар ёки жарима тайинланарди. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. "Темур тузуклари" демократик давлат қурилишининг шарқона манбаси бўлиб тарихга кирди.

Собиқ Советлар даврида бир неча Конституциялар қабул қилинган бўлса-да, улар ўз мазмун-моҳияти билан маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган бошқарувни вужудга келтирган эди. 1977 йилги Конституция сиёсий манифест вазифасини ўтайди. Унда баён этилган инсон ҳуқуқларига тааллуқли қоидалар ҳуқуқий кафолатлар билан мустаҳкамланмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида шундай дейилган: **«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар».** Ушбу моддада жамият ва фуқаролар манфаатининг устунлиги ҳамда давлатнинг улар олдида жавобгарлиги қонун билан мустаҳкамланган ва кафолатланган. Унда халқ манфаати биринчи ўринга қўйилади.

Истиқлол шарофати билан ҳар бир инсоннинг ҳуқуқий эркинликлари муқаддас, деб эълон қилиниб, давлат ҳимоясига олинди. Давлат фуқаролар олдида масъул экан, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бермоғи кераклиги уқтирилади. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 29 августда 466-1-сон Қарори билан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тасдиқланди. Миллий дастурда инсон ҳуқуқларининг устуворлиги, Конституция ва Қонуннинг устунлиги, демократияга асосланганлиги, ижтимоий адолат, илмийлик, узлуксизлик, ҳуқуқий тарбиядаги ворислик ҳамда умумийлик, ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маорифнинг бирлиги ҳамда уларга табақалаштирилган ёндашуви акс эттирилган.

Давлатимиз мустабид тузум ҳукмронлигидан инсоннинг давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан муносабатларни ҳуқуқий негизига қўйишдек туб ўзгаришлар йўлида жуда улкан қадам қўйди. Инсон ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини яратишнинг асосий ғояси сифатида ҳокимиятнинг мустақил ва ҳеч кимга тобе бўлмаган тармоғи ҳисобланган суд эътироф этилди ҳамда судлар ваколати анча кенгайтирилди. Мустақиллик, аввало, ҳуқуқ экан, ҳуқуқ эса демократик жамиятда фуқаро эркинликларининг меъёридир. Ҳуқуқий давлат Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш давлат ҳокимиятини ташкил этиш тизимида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг юридик асосларини яратишда, аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини оширишда мужассамлаштирилмоқда.

Давлатимиз ўзининг олдига фуқаролик жамияти ва демократик давлат қуришни мақсад қилиб қўйган экан, шахснинг демократик ривожланиш қоидаларига риоя этиш зарурлигини биринчи ўринга қўйди. Масалан, шахснинг масъулияти — инсон ўз қилмишлари ва хатти-ҳаракатлари учун жавоб бериши кераклиги, холис ва оқилона ҳаракатга интилиши, маърифийлик — юксак профессионализмини мисолларда келтиришимиз мумкин. Инсон ҳуқуқлари даражаси жамият маърифийлиги ва демократиялашганининг биринчи даражали кўрсаткичидир. Зотан, Конституциямизнинг 13-моддасида шундай дейилган: **«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларига асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.**

**Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».** Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Давлатимиз миллати, дини ва ижтимоий аҳволи, сиёсий, диний эътиқодидан қатъи назар умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган ҳолда, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини аввалгилари билан солиштирсак, қуйидаги характерли хусусиятларнинг гувоҳи бўламиз. Яъни мустақиллик ва эркинликлар тизимининг мавжудлиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошиши кафолатланишининг ривожлантирилганлиги, қатор янги мазмун ва қоидалар билан бойитилганлиги фикримиз далилидир.

Конституциямизда энг олий дунёқараш, неъматлар ичида инсон деган фикрнинг илгари сурилганлиги асосида "фуқаро-жамият-давлат" ўртасидаги ҳуқуқий муносабат ўзининг оқилона ечимини топган. Бу эса, республикамизнинг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг белгиланишида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" ғоялари ҳамоҳанглиги билиниб туради. Жумладан, Конституциямизда белгиланган фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига: меҳнат қилиш, дам олиш, қариганда ёки меҳнат лаёқатини йўқотганда моддий таъминланиш, илм олиш, матбуот, виждон эркинлиги, намойиш ва митингларда қатнашиш эркинлиги, жамоат уюшмаларига уюшиш эркинлиги, шахс, уй-жой даҳлсизлиги, хат ва ёзишмалар сир сақланиши сингари ҳуқуқлар ва эркинликлар киради.

Ўзбекистон давлати мустақилликка эга бўлган биринчи кунданоқ фуқароларга кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берди, уни амалга оширишни моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлади. Конституциямизнинг 43-моддасида **"Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди"** деб ёзилган. Чунончи, давлат Конституциямизда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошишини оддийлаштириш, осонлаштириш учун қўшимча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Бу эса тегишли ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишнинг имкониятларини кенгайтиради. Конституциямизнинг 31-моддаси фуқароларнинг "виждон эркинлиги"ни мустаҳкамлаган бўлса, бу ҳуқуқни таъминлаш чора-тадбирлари "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунда белгилаб қўйилади ёки 37-моддада белгиланган фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлса, шу ҳуқуқни таъминлаш ва амалга ошириш йўллари "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун билан белгиланади. Шу билан бирга республика фуқароларининг шахсий ҳаёти Қонун билан қўриқланади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир, ҳар бир фуқаро эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлиб, унинг ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қонунга асосланмаган ҳолда қамалиши, қамоқда сақланиши мумкин эмас. Булар республика жиноят кодекси билан мустаҳкамланган.

Шунингдек, **"Сайлов тўғрисида"ги** қонунларда ҳам фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи бир неча моддаларда белгиланган. Демак, фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи ва ўз ҳуқуқ эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятининг мавжудлиги ҳуқуқ ва эркинликларнинг муҳим кафолатларидандир. Инсоннинг энг муҳим ва муқаддас ҳуқуқларидан бири тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи мазкур ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлашдан иборат. Шу мақсадда республикамизда 200 дан ортиқ қонунлар қабул қилинган. Бу қонунлар ичида Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Жиноят кодекси, "Ер тўғрисида"ги қонун, "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида"ги қонун, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги шахс билан ўзбек давлатининг доимий-сиёсий алоқасини белгилар экан, демократик, инсонпарвар фуқаролар жамияти республикамизда яшовчи барча халқларнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий тенглиги, уларнинг қардошларча ҳамкорлиги асосида фуқароларнинг дўстлиги ва бирлигини яратиб, ғоят уюшган юксак онгли ва мафкуравий кишини камол топтирмоқда.

Фикримизнинг ёрқин мисоли тариқасида Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузасини келтиришимиз мумкин. Президент ўз маърузаларида **"Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларнинг Қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади"**, деб таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон ижтимоий ва давлат тузуми томонидан республика фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳаётда тўла амалга оширилиши — уларнинг мустақиллик ва истиқлолга эришган жамиятимизни, ҳаётимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда фаол иштирокини таъминлайди. Бу эса давлатимизнинг олиб бораётган одилона сиёсатидан дарак беради.

"Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" мавзусидаги дарслар ўқувчиларнинг ёш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилиши керак. Бунда мактаб ўқувчилари учун бугунги кунда амалда бўлган Конституцияни ўрганишга оид ўқув қўлланмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

1-синфларда "Рамзларимизни биласизми?" — очиқ дарс.

2-синфларда "Ўзбекистон — Ватаним маним" — тарбиявий соат.

3-синфларда "Атроф муҳитни тоза сақлаш бурчимиз!" — очиқ дарс.

4-синфларда "Қонунларимиз қалқонларимиз!" — тарбиявий соат.

5-7-синфларда баҳс, мунозара, давра суҳбатлари, очиқ тарбиявий соатлар мавзулари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг маълум моддалари асосида ўқув режасига мослаштирилиб, танланилиши ҳам мумкин.

8—11-синфларда "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори", "Қомусимиз — ифтихоримиз" каби мавзуларда конференциялар, мактаб миқёсида катта тадбирлар ўтказилиши мумкин.

**Республика Таълим маркази**

---

**Халқ таълими вазирлиги, Давлат Тест Маркази ва «Ma'rifat» газетаси таҳририяти**

# «СИЗ КОНСТИТУЦИЯНИ БИЛАСИЗМИ?»

## мавзуида танлов эълон қилади

**Ўтган йили Қомусимиз қабул қилинганлигининг саккиз йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанада Юртбошимиз Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатиш лозимлигини таъкидлаган эди. Кўп ўтмай бу ҳақда махсус фармойиш ҳам эълон қилинди, тегишли ишлар амалга оширила бошланди. Албатта, бунда аввало тарбиячи ва муаллимнинг тутган ўрни беқиёс. Шу боис, Халқ таълими вазирлиги, "Ma'rifat" газетаси таҳририяти Давлат Тест Маркази ҳамкорликда мактабгача таълимдан бошлаб олий таълимгача бўлган таълим тури тарбиячилари ва ўқитувчилари ўртасида танлов ўтказишга қарор қилди.**

**Танлов шарти: газетада кетма-кет чоп этиладиган 100 та (2 ноябрь сонидаги 5 та савол ҳам ҳисобга киради) саволга тўғри жавоб топиш ва таҳририятга юбориш. Бунинг учун газетани қирқиш ва тегишли саволни бўяш шарт эмас. Балки савол рақами ва тўғри жавобни, масалан: "1.С", "2. В", .... "100. А" шаклида ёзсангиз кифоя. Фақат исм-фамилиянгизни, манзилингизни тўлиқ (индекси билан) ёзишни унутманг! Жавоблар алоқа бўлими орқали жўнатилиши лозим. Юборилган муддати ҳам алоқа бўлими қабул қилган вақт билан ҳисобга олинади.**

**Тўғри жавоб топган ва тезкорлик билан бизга йўллаганларни мукофот кутмоқда:**

**1-ўрин — 15000 сўм**
**2-ўрин — 10000**
**3-ўрин — 5000 сўм**

**ХТВнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари!**

**Тест саволлари Давлат Тест Маркази томонидан тузилган ва жавобларингизни марказ экспертлари баҳолайдилар.**

**Танловда қатнашинг, азизлар!**

**Дарвоқе, барча жавоблар Конституциямизда бор.**

**6. Конституцияга кўра, Ўзбекистонда хусусий мулк кимнинг ҳимоясида?**

*А) юридик шахснинг В) фуқаронинг*
*С) давлатнинг D) мулк эгасининг*
*Е) тадбиркорнинг*

**7. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, инсон ва фуқароларнинг яшаш ҳуқуқи қандай ҳуқуқ ва эркинликлар гуруҳига киритилган?**

*А) шахсий В) ижтимоий*
*С) маънавий D) табиий Е) А,D*

**8. Конституцияга кўра, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг қандай субъекти ҳисобланади?**

*А) мустақил В) тенг ҳуқуқли С) тўла ҳуқуқли*
*D) тўла муомалали Е) суверен*

**9. Қуйидагилардан Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий конституциявий принципларини аниқланг.**

*А) ошкоралик*
*В) одиллик*
*С) эркинлик*
*D) содиқлик*
*Е) суверен тенглик*

**10. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасини тайёрлаш учун қачон конституциявий комиссия тузилди?**

*А) 1990 йил, июнь В) 1990 йил, март*
*С) 1990 йил, январь D) 1991 йил, июнь*
*Е) 1991 йил, август*

---

# ЁШЛАР ЎЗ ҲУҚУҚИНИ АНГЛАБ ЕТСИН

*Ҳар қандай давр ва жамиятда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берилади. Боиси, ўша жамиятнинг келгуси тақдири ана шу ёшларга бевосита боғлиқдир. Жумладан, юртимизда ёшлар ва ўсмирларнинг камол топиши, ўқиши, дам олиши, шунингдек, бошқа ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган.*

*Вояга етмаган ёшлар билан ишлашни давр талаби даражасида ташкил этишга бизнинг Дўстлик туман прокуратураси ҳам алоҳида аҳамият бераяпти. Ҳозир туманда вояга етмаган ёшлар 21901 нафарни ташкил этади. 2001 йилнинг биринчи ярим йиллигида ёшларга оид қонунлар ижроси юзасидан 15 та текшириш ўтказилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган йилнинг 6 ойида вояга етмаганлар томонидан 5 та жиноят содир этилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида умуман жиноят содир этилмаган.*

### O‘smir va qonun

*Аввало бундай ижобий кўрсаткичга эришишда, ёшлар тарбияси билан шуғулланишга кенг жамоатчиликни жалб этишимиз, қолаверса, туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳамда халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз қўл келмоқда.*

*Ёшлар ўртасида турли жиноятларнинг умуман содир этилмаслиги ёки кескин камайиши асосан уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этишга боғлиқ. Бунинг учун мактабларда, маҳаллаларда турли қизиқарли тадбирлар режали равишда, доимий йўлга қўйилиши лозим. Ана шу мақсадда туманимизда футбол, каратэ федерациялари тузилди. Шунингдек, маҳаллалар ўртасида мунтазам футбол мусобақалари ўтказилиб, ғолиб жамоалар совринлар билан мукофотланмоқда. Бундай тадбирлар ҳам ёшларимизда бекорчилик иллатининг пайдо бўлишига тўсиқ бўлаяпти.*

*Бундан ташқари, ҳар бир мактаб, боғчаларнинг паспорти ва ҳуқуқ хоналари ташкил этилган. Бу эса ўз навбатида болаларнинг оилавий аҳволини яқиндан ўрганишга, билим савияларини янада оширишга имкон яратади. Ўсмир ва ёшларимиз онгига уларнинг қонуний кафолатларини сингдириш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида тарғибот ишларини янада жонлантиришни давр тақозо этмоқда.*

*Аммо, юқоридаги фикрлардан туманда барча ишлар рисоладагидек, деб бўлмайди. Боиси, ҳозирги кунда 15 нафар вояга етмаган ўсмир профилактик ҳисобга олинган. Ота-оналар жавобгарлиги тўғрисидаги қонунларга амал қилмаганлиги сабабли 9 нафар ота-онага нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, туман судига юборилди.*

*Айрим қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ёшлар билан ишлашнинг сустлиги туфайли фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган йигит-қизлар ҳам учрамоқда. Бу каби камчиликларнинг барчаси ёшлар ва ўсмирлар тарбиясига ўта масъулият билан ёндошишни талаб этади.*

*Ёшлар — келажагимиз. Уларнинг бахтли ҳаёт кечиришлари учун етарлича шароит яратиб бериш эса бизнинг бурчимиз. Туманимиздаги мактаб ўқувчиларини ижтимоий ҳимоялаш йўлида олиб борилаётган тадбирлар ана шу масъулиятга яраша қилинаётган ишларнинг амалдаги ифодасидир. Жорий ўқув йили бошланишида мактаб ўқувчиларига 1800000 сўмлик дарслик, 4180,7 минг сўмлик кийим-кечак бепул тарқатилди.*

*Амалга оширилаётган ижобий ишларнинг барчаси ягона мақсад — ўсмир ва ёшларнинг ўқиши, тўғри тарбия олишига йўналтирилган. Шундай экан, ёшларимиз ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тўла англаб етмоқлари даркор. Ана шундагина улар эртанги кунимизнинг чинакам ворислари бўлиб камол топишлари шубҳасиз.*

**А.ТУРСУНОВ,**
**Дўстлик тумани прокурори**

---

### Milliy dastur — amalda

# МОДДИЙ БАЗА МУСТАҲКАМ БЎЛСА...



Нукус Давлат университети педагогик жамоаси узлуксиз таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланиш, мамлакатимиз халқ хўжалиги тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаб бериш йўлида ўз имкониятларини ишга солаётир. Университет ректори, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депутати Қуанишбай Утениёзов билан даргоҳда амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

**— Биласизки, таълим-тарбия узлуксиз жараён. Сиз ана шу жараённинг ичида узоқ йиллар юрган ва катта бир даргоҳни бошқараётган раҳбар сифатида ўз педагогик жамоангиз фаолиятига тўхталсангиз.**

— Келажаги буюк давлат бунёдкорларини тарбиялаб вояга етказадиган, ёшларга аниқ йўл кўрсатадиган, аҳамияти беқиёс "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг қабул қилиниши ўзбекистонлик ҳар бир фуқаронинг дилидаги гап бўлди. Дастур қабул қилингандан кейин университетимизнинг 1, 2 ва 3-курс талабаларидан 150 нафарга яқини Тошкент кимё-технология институтини турли ихтисосликлар бўйича муваффақиятли тугатишди.

Маълумки, айни пайтда Ўзбекистон ҳудудида 61 та олий ўқув юрти мавжуд. Аммо шулардан фақат 19 тасида магистратура таълими ташкил қилинган. Жумладан, университетимизда ҳам 15 та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда. Магистратурада таълим олаётган ёшларнинг барчаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий тадқиқот институтларига бириктирилган. Биз ёши 20-30 лар орасидаги номзодлик, 40 ёшгача докторлик диссертацияси ёқлаш учун билим савияси етарли кишиларни ҳеч иккиланмасдан ўзимизга ишга жойлаштирмоқдамиз. 2000 йил улардан 3 нафари докторлик илмий даражасини қўлга киритган бўлса, жорий йил охиригача 8 нафар ходимларимизнинг шу унвон соҳиби бўлиши кўзланмоқда.

2000 йил "Устоз" жамғармасининг ғамхўрлиги туфайли 10 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар Исроил, АҚШ, Канада, Англия, Чехия, Малайзия сингари қатор давлатларда бўлишиб, уларнинг иш тажрибалари билан яқиндан танишиб қайтдилар. Мақбул деб топилган иш услубларини ўрганяпмиз.

**— Даргоҳни қиш мавсумига тайёрлаш, замонавий ўқув қуроллари билан таъминлаш борасида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз.**

— Кўриб турганингиздек, университетимиз байрам либосида. Яқинда бу ерда 25 йиллик юбилейимиз кенг нишонланди. Муборак санани ўтказишга пухта тараддуд кўрдик. 2001-2002 ўқув йилининг ўтган даври мобайнида даргоҳимизни таъмирлаш учун Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши томонидан етарлича маблағ ажратилди. Бундан ташқари, Очиқ жамият Кўмак институти (СОРОС жамғармаси) университетимиз учун 35 минг АҚШ доллари ажратди. Бу маблағга биз энг зарур ўқув воситалари харид қилдик.

Жанубий Кореянинг Осиё маданияти институти 2000 йил 21 дона, 60 дан ортиқ компьютерларни эса Қорақалпоғистондаги турли корхона раҳбарлари совға қилишди. Эндиликда умумий компьютерларимиз сони 400 тага етди.

**Суҳбатдош**
**Муҳаммадсобир АЙТИМОВ**

*Оналарга умр бергин худойим,*
*Саломатлик бергин, юрсинлар яйраб*
*Фарзандлар меҳрга тўйсин илойим,*
*Юртимиз тинчини турсинлар сўраб.*

*Аргентинанинг фахри бўлмиш Диего Марадонага мамлакат мураббийлар Ассоциацияси томонидан мураббийлик диплому ҳамда "Асрнинг энг яхши футболчиси" мукофоти топширилди.*



**Sport**

### МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҲАКАМИ

Мамлакатимизда футбол федерацияси ўтказган сўровга кўра, бухоролик ҳакам Ноил Лутфулин Ўзбекистоннинг ушбу мавсумдаги энг яхши рефериси деб топилди. Лутфулинни шунингдек, чет давлатларда ҳам танишади. МДҲ чемпионлари Кубоги-2001 баҳсларини бошқариб борганлар қаторида зикр этилгани ҳам мисол бўлади.

### УРУГВАЙ САРАЛАШ УЧРАШУВЛАРИГА ЯКУН ЯСАДИ

2002 йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг 32 ғолиб жамоаси ҳам аниқланди.

Монтевидео шаҳрининг "Сентенарио" ўйингоҳида ўтказилган жавоб учрашувида Уругвай Австралия устидан 3:0 ҳисобида ғолиб келди. Шундай қилиб, Уругвай саралаш учрашувларига якун ясади. Энди бемалол жаҳон чемпионатига қуръа ташлаш мумкин.

### ДОПИНГ МОЖАРОСИ

Бразилия футбол федерацияси допинг масаласига алоҳида эътибор бермоқда. Шунинг натижасида бу йилги мавсумда допинг қабул қилган иккинчи футболчи қўлга тушди. У "Батафаго" клубининг 25 ёшли ярим ҳимоячиси Роналдо да Силва Оливейродир.

Бу футболчи "Палмейрас" билан ўтказилган ўйиндан кейин унинг қонидан "фемпронорекс" депрессанти борлиги аниқланди. Роналдо 29 кунга дисквалификация қилинди.

### КОЛУМБИЯДА ҚОНУНБУЗАР 11 ЖАМОА ТЕКШИРИЛМОҚДА

Колумбия солиқ хизмати ходимлари мамлакат биринчи дивизионининг 11 клуби фаолиятини текширишни бошлади. Чунки мазкур клублар солиқ тўлашдан бўйин товлаганликда гумон қилинмоқда. Солиқ хизмати директори Сантьяга Рохаснинг айтишича, текширув бир томондан клублар, иккинчи томондан ўйинчилар ҳамда улар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш билан боғлиқ.

### МАРАДОНА ЭНДИЛИКДА МУРАББИЙ

Жаҳон футболининг бетакрор юлдузи, Аргентинанинг фахри бўлмиш Диего Марадонага мамлакат мураббийлар Ассоциацияси томонидан мураббийлик диплому ҳамда "Асрнинг энг яхши футболчиси" мукофоти топширилди. Бу йиғилишда Аргентина футболининг бошқа намоёндаларига ҳам мукофотлар берилди. Масалан, Аргентина футбол федерациясининг раиси Хулио Грандона ҳамда кўплаб мураббийлар бор.

**maydonchasi**

## ОНАЛАРГА УМР БЕРГИН

*Энди синфдошлар қаршилар кулиб,*
*Ҳар тонг мени кутар каттакон мактаб.*
*Мен мактабга бордим ўқувчи бўлиб,*
*Онам уйда қолди умримни тилаб.*

*Мактабни битирдим, хушбичим йигит,*
*Ойнага қарайман сочимни силаб,*
*Ўқишга жўнадим катта шаҳарга*
*Онам уйда қолди соғлиғим тилаб.*

*Вагон дарчасидан қарайман ортга,*
*Курсдош йигит-қизлар қўшиқлар куйлаб,*
*Мени кузатдилар ҳарбий хизматга*
*Онам уйда қолди, умримни тилаб.*

*Хизматни тугатдим, ўқишим битди.*
*Қишлоғимга қайтдим муаллим бўлиб,*
*Ҳар куни кечга яқин ишдан қайтаман.*
*Онам қаршилайди чеҳраси кулиб.*

*Куёв бола бўлдим, ёнимда келин,*
*Эркалаб қўяди кифтимни силаб*
*Онам нари уйда ёстиқни суриб*
*Дуоға бош қўяр тинчимни тилаб.*

*Болалар кўпайди, ҳовли каттарди,*
*Ташвишларим ортар олдинга қараб,*
*Мен туғилган уйнинг чироғи ёниқ,*
*Онам ўлтирибди умримни сўраб.*

*Оналарга умр бергин худойим,*
*Саломатлик бергин, юрсинлар яйраб*
*Фарзандлар меҳрга тўйсин илойим,*
*Юртимиз тинчини турсинлар сўраб.*

**Маҳамадиёр НУРМАТОВ,**
**Чироқчи туманидаги 58-мактаб ўқитувчиси**



## КЎНГИЛГИНАМ

Даҳри дуннинг гардларидан
Хира тортиқ кўнгилгинам.
Икки дунё дардларидан
Дарди ортиқ кўнгилгинам.

Ишқ аталмиш бир сўз учун
Яшаб турган кўнгилгинам.
Севинчлар жой олар қисми
Бўшаб турган кўнгилгинам.

Дард юкидан елкаларинг
Яғир бўлди, кўнгилгинам.
Не бўлса-да иккимизга
Оғир бўлди, кўнгилгинам.

Шунча дардинг етмагандай
Дард излаган кўнгилгинам.
Бир санамнинг бир дардида
Минг бўзлаган кўнгилгинам.

Кўй, ўксинма, ситамлардан
Ранги сариғ кўнгилгинам
Дардларингдан бир лаҳзага
Бўлгил фориғ, кўнгилгинам.

**Ҳасан АЛМАТОВ,**
**Каттақўрғон туманидаги 74-мактаб ўқитувчиси, "Ижодкор ўқитувчи" нишони соҳиби**

## ДАРАХТ

*Мунгли турар ҳижронда дарахт,*
*Соғинчлари бағрин тиғлайди.*
*Орзулари дардли, мўлтираб*
*Нигоҳлари чунон йиғлайди.*

*Сарсонликда мудрайди висол,*
*Дарбадарлик озорли хиёл.*
*Сукунатнинг сокин қўйнида*
*Зувиллайди нажоткор хаёл.*

*Вужудимни ёриб энтикиб,*
*Паноҳ излар субутсиз фироқ.*
*Парвоз этар умид қушлари,*
*Кетолмайди унданда йироқ.*

*Сумбул сочин атайлаб ювди,*
*Тонг шафағин шалоласига.*
*Бахт аталмиш қадаҳин қуйди*
*Қуёш зумрад пиёласига.*

**Одинахон САМИЕВА**

## 5 ҲАРФЛИ КРОССВОРД



Энига: 1. Ч.Айтматов романи. 3. "Ялқов" деб ном олган газ. 5. Айёр, йиртқич ҳайвон. 6. "Тонг юлдузи" газетаси бош муҳарририниnг исми. 7. "Хамса" муаллифи. 8. "Қуллар" романидаги Раҳимдоднинг ўғли. 12. "Норбўта" достони муаллифининг исми. 13. .... — ош бўлмас, нодон бош бўлмас (мақол). 14. Оғир металлардан бири. 16. Россиядаги болалар оромгоҳи. 18. "Қизил шапкача" эртаги муаллифи. 20. "Фаол" сўзининг маънодоши. 21. Қарама-қарши томон. 22. Миллат. 23. Ҳайвон "бўйинбоғи". 27. Тиконли жонивор. 28. Йирик сув йиртқичи. 29. Дурадгор асбоби. 30. Қизлар исми. 32. Муқимий юморларидан бири. 34. Қуш тури. 35. Ер шарининг сув қобиғи. 36. Бир йиллик маданий ўсимлик. 37. "Бой ила хизматчи" драмаси қаҳрамонларидан бири. 38. Ҳиндистон пул бирлиги. 39. "Одина" повести муаллифи.

Бўйига: 1. Қуш тури. 2. М.Абзалов фильми. 3. Андижондаги шаҳарлардан бири. 4. Миллий таом. 5. Халқ оғзаки ижоди жанри. 7. Эртапишар қовун нави. 9. Ҳ.Назир ҳикояси. 10. Ёғин тури. 11. "Тонг нафаси" шеърлар тўплами муаллифининг исми. 14. Ромсозлик материали. 15. Отлар уюри. 16. Ёзувчи аёл. 17. .... — тўшак. 18. Нон тури. 19. Шашкачи ўзбек аёли Ахмедованинг исми. 21. Шеър мисраларида қофиядан сўнг такрорланиб келадиган сўз. 23. "Ахмоқ" сўзининг маънодоши. 24. Дўст, жўра. 25. Кийикнинг бир тури. 26. 2000 йилнинг энг яхши лирик хонандасининг исми. 30. 3-4 яшар ўртасидаги эркак от. 31. Ҳозиржавоблик санъати. 32. Фан-техника ё куч импульси муайян касб-ҳунарга оид сўз. 33. XV асрда яшаган ўзбек шоири.

**Тузувчи:**
**Рўзимурод БОЛҚИЕВ,**
**Қўшработ туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси**

### Газетамизнинг 24 ноябрь сонида берилган «Ёвқур» кроссвордининг жавоблари:

*Бўйига: 1. Торт. 2. Така. 3. Бомдод. 4. Фитр. 5. НАСА. 6. Оралиқ. 7. Карл. 8. Иена. 11. Аксарият. 12. Етимхона. 14. Автобус. 17. Леганза. 18. Азият. 19. Айвон. 20. Увада. 21. Абжир. 26. Яйпон. 28. Ёвгон. 32. Ноутака. 33. Қароқчи. 34. Лавлаги. 35. Айирбош. 36. Дилдора. 38. Ура. 40. Адо. 43. Лазги. 45. Ҳалим. 47. Камолот. 49. Такаллуф. 50. Лойхўрак. 52. Қосимов. 53. Асрор. 54. Норин. 55. Олтин. 56. Томир. 62. Алифбо. 63. Ошуфта. 66. Этик. 67. Араб. 68.Агра. 69. Ёғду. 70. Нола. 71. Атов.*

*Энига: 1. Тест. 7. Келию 9. Алдоқчи. 10. Америка. 13. Тана. 15. Ракетка. 16. Лола. 18. Алоқа. 20. Умида. 22. Шовқин. 23. Ёвқур. 24. Хатар. 25. Ижозат. 27. Имо. 28. Тийин. 30. Анвор. 31. Исён. 33. Қатлама. 36. Драм. 37. Булунгур. 39. Ишонарли. 41. Омилкор. 42. Масаллиқ. 44. Бурҳонов. 46. Икра. 48. Интилиш. 51. Анқо. 53. Аргон. 56. Орият. 57. Куй. 58. Тобора. 59. Ирода. 60. Хаста. 61. Омоним. 64. Рулон. 65. Ношир. 66. Этна. 68. Амударё. 70. Нива. 72. Абубакр. 73. Дастмол. 74. Краб. 75. Азов.*


## Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг сиртқи бўлими талабалари диққатига!

*Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча вилоятлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари диққатига!*

*Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати махсус сиртқи бўлим ҳамда барча сиртқи бўлим талабаларининг 2001-2002 ўқув йили қишки сессияси машғулотлари қуйидаги муддатларда (иловадаги жадвалга асосан) ўтказилишини маълум қилади.*

*Ректорат талабаларни қишки ўқув сессиясига ўз вақтида етиб келишлари зарурлигини таъкидлайди.*

*Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 55-55-77, 55-52-27, 55-55-67, 54-92-17.*

**Университет ректорати**


### Низомий номидаги ТДПУ сиртқи бўлим талабаларининг 2001-2002 ўқув йили учун ўқув жараёни жадвали

| Факультетлар | Курслар | Қишки сессия муддати | Пед. амалиёт |
|---|---|---|---|
| Физика-математика | I | 2.01.2002-11.01.2002 | |
| | II | 2.01.2002-11.01.2002 | |
| | III | 2.01.2002-11.01.2002 | |
| | IV | 2.01.2002-11.01.2002 | 12.01.2002-8.02.2002 |
| | V | 2.01.2002-11.01.2002 | 12.01.2002-8.02.2002 |
| Касб таълими | I | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | II | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | III | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | III | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | IV | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| Рус ва корейс филологияси | I | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | II | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | III | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | IV | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| Табиёт фанлари | I | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | II | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | III | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | IV | 2.01.2002-12.01.2002 | 13.01.02-13.02.02 |
| | V | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| Тарих | I | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | II | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | III | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | IV | 2.01.2002-12.01.2002 | 13.01.02-13.02.02 |
| | V | 2.01.2002-12.01.2002 | 13.01.02-13.02.02 |

| Факультетлар | Курслар | Қишки сессия муддати | Пед. амалиёт |
|---|---|---|---|
| Педагогика ва психология | I | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | II | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | III | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | IV | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | V | 2.01.2002-12.01.2002 | 1.05.2002-8.05.2002 |
| Мусиқа | I | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | II | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | III | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | IV | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| БГФ | I | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | II | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | III | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | IV | 2.01.2002-12.01.2002 | 12.01.02-8.02.02 |
| | V | 2.01.2002-12.01.2002 | 12.01.02-8.02.02 |
| Ўзбек тили ва адабиёти | I | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | II | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | III | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | IV | 2.01.2002-12.01.2002 | 12.01.02-12.02.02 |
| | V | 2.01.2002-12.01.2002 | 12.01.02-12.02.02 |
| БТ ва дефектология | I | 01.12.2001-10.12.2001 | |
| | II | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | III | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | IV | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | V | 2.01.2002-12.01.2002 | 12.01.02-10.02.02 |

### Махсус сиртқи бўлим талабаларининг 2001-2002 ўқув жараёни жадвали

| № | Ихтисосликлар | Курслар | Қишки сессия муддати | Пед. амалиёт |
|---|---|---|---|---|
| | Бошланғич таълим ва тарбиявий иш | I | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | Касб таълими | I | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | Мусиқий таълим ва эстетик тарбия | I | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | Чизмачилик, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | I | 2.01.2002-12.01.2002 | |
| | Жисмоний тарбия | I | 2.01.2002-12.01.2002 | |

## «ЖЎЖА КАБОБ»

Нодира аввалига бебош ёшларга қўшилиб дискотекага борди. У ерда ўзи тенги қизларнинг сигарета тутатаётганини кўриб, буларга қандай мазза-я, деган ўй хаёлидан кечди. «Ота-онаси урушмайди. Ҳеч ким тергамайди. Менинг ота-онам бугун узоққа кетишган. Йўқса бу ерга сира келолмасдим.» Унга сигарета тутқазишганди бир икки тортгач томоғи бўғилиб йўтал тутди.

«Ҳеч қиси йўқ. Бошида шундай бўлади», — деди Наргиза уни юпатмоқчи бўлиб. Дарҳақиқат, кейингиларида йўталмади. Илк бор бу ерга келганида у кўпроқ дугоналарининг ўйинларини томоша қилди. Кейинги сафар ўзи ҳам ўртага тушди. Вискидан озроқ ичгач эса боши бироз айланди. Лекин, у бугунгидай сира яйраганини эслай олмайди. Ниҳоят сархуш ҳолда уйига қайтди. Эрталаб турган Нодира кечаги кунини ўйладию пешонасини муздай тер босди. Чунки илгари ҳеч қачон уйига бу ҳолда келмаганди.

«Энди бормайман», дея ўзига-ўзи сўз берди.

Аммо, Наргиз келиб уни жўжакабоб ейишга таклиф қилиб: — Пул шарт эмас, ҳомийлар бақувват, — деди.

Лекин ҳомийдан кўра, кабоб ейишга бўлган иштиёқ уни хўп дейишга ундади. Дугонасининг ҳар бир юрақол деганига қўшилиб, у ерда кўрган кечирганлари бораққол дея тортқиларди.

Бу сафар ростданам давра ўзгача, йигитлар стол устини шундай тўлдириб, безаб ташлашганди-ки...

Очиғи у шу ёшга кириб, икрани татиб кўрмаганди. Озроқ олиб оғзига солганди, таъми ёқмади.

Лекин, жўжа кабоб иштаҳасини қитиқлагани учун ундан анча- мунчасини паққос туширди. Шунингдек, жўжа кабобдан кўра ора-орада кокаколага қўшилган коньякдан қиттак-қиттак олиб турилгани ҳам унга тобора сархушлик бағишларди.

Қуёш дераза ойнасидан тушиб, унинг пешонасини қиздирган вақтда кўзини очдию, уйида эмас, бошқа бир жойда, бошқа бир тўшакда ётганини сезиб қолди. Сакраб турмоқчи эди, боши оғирлашиб гурс этиб яна жойига қулаб тушди.

«Воҳ нима бўлди. Қаердаман мен ўзи. У кечаги оқшомни эслашга уринар, бироқ Фарҳоднинг унга тегажоғлик қилганида ўзининг унинг қучоғидан ситилиб чиққанидан бошқа нарсани эслай олмасди.

Ҳа, у бу сафар чиройли сигаретани эмас, балки сал дағалроқ папиросни тортиб кўрганди. Шу боис, қолганини эслолмай, ўйлаб ўйига етолмасди.

Ҳа, у ўзининг жўжа кабоб ейиш учун эмас, балки «жўжа кабоб» бўлиш учун борганини кейин англади.

* * *

Ниҳоят у тақдирига тан берди. Нима бўпти, бу кўйга тушган битта менманми-пешонамга ёзилгани шу бўлса нима қилай», деган фикр унга юпанч бўлди. Чунки, унинг шугина таскин ва шугина даладан бошқа чораси қолмаганди.

У ўз келажаги ҳақида ўйлаганда жазаваси тутиб кетар, аянчли қисмат азоби уни тимдалаб ташларди.

Орадан анча-мунча вақт ўтиб, гаплашмай қўйган Наргизга ўзи сим қоқди. Эски қадрдонининг овозини эшитган Наргиз «ўзим билардим телефон қилишингни» деди. Ҳа, дугонаси буни биларди. Чунки, Нодирадан олдин жўжа кабоб ейишга улгурганди. Шу боис, уни «сиқилма, сиқилсанг ўзингни адойи тамом қиласан», дея юпатди.

Уларнинг яна бирлашиши учун шу биргина қўнғироқ кифоя эди. Энди у Наргиза билан тунги клубларга тез-тез ташриф буюрадиган бўлди.

Афсуски, эндиги ўтиришлар дискобарнинг ўзида тугамасди. Бу ердан сўнг, бирон бир ҳужрами ёки меҳмонхонада давом этарди. Аммо, шундай тунларнинг бири уларга шодлик ҳадя қилмади. Гиёҳванд моддадан кўпроқ истеъмол қилган, Нодира касалхонада вафот этди.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ, журналист**

**Afsus**

**Xullas...**

### ҚИММАТГА ТУШГАН ҚАЙИҚНИНГ ҚИЛИҒИ

Кўз олдингизда ястаниб ётган денгиз: моторли қайиқда ёш йигит Рикардо Росас ҳамда унинг маҳбубаси Алиса Гомес. Дунёда улардан ҳам бахтли инсон борми? Эрта-индин бу ошиқ-маъшуқларнинг тўйи...

Мовий денгиз узра бир маромда сузиб кетаётган қайиқ қанчадир фурсатдан сўнг, бузилиб қолди. Эрталабдан бошланган сайр моторли қайиқнинг бузилиб қолгани туфайли соат ўн бешда ниҳоясига етди. Йигит-қиз чорасиз қолди. Нима қилмоқ керак, қирғоққа қадар бўлган масофа анча узоқ.

Денгизда шамол кўтарилди, тўлқинлар у ёқдан бу ёққа урила бошлади. Синов лаҳзалари... То қутқарувчилар етиб келгунча келинпошша куёвтўрага қаҳрли кўзлари билан боққан—сен аҳмоқнинг таклифига қаердан ҳам рози бўлдим—дегандек.

Куёв ҳам қараб турганни йўқ: сенда фаросат бўлганида, оч қолмаслик учун ул-булни сумкангга солиб олардинг.

Қисқаси, денгиз саёҳатининг даҳанаки жанг билан якун топиши улар ўртасидаги яқинликни барбод қилиб юборди. Энди ошиқ-маъшуқларнинг бир-бирини кўрарга кўзлари, отарга ўқлари йўқ. "Лайли-Мажнун"лар ўша куниёқ режалаштирилган тўйни бекор қилишди.

### «МЕНГА АЧИНМАНГЛАР, ҒАЗАБИМ КЕЛАДИ»

Флорида штатининг жанубида истиқомат қилувчи Жо Жапп автоҳалокатга учраб, чап оёғидан айрилган эди, кўргулик экан-да, тирик қолганига шукр қилиб, умр кечиряпти. Тақдирга тан беришдан ўзга чора йўқ.

У ўзини овунтиришнинг турлича усулларини ўйлаб кўрди. Энг мақбули сувда сузиш экан. Бир оёғи йўқ кишининг океан узра сузиб юришини кўпчилик тасаввур ҳам қилолмаса керак. Лекин флоридалик аччиқ қисмат эгаси буни қойилмақом қилиб уддаламоқда.

"Сувда сузиб юрганимда, менинг бир оёқли эканлигимни ҳеч ким билмайди. Ерда қўлтиқтаёқ билан юриш, ён-атрофдагиларнинг ачиниш билан қарашлари менинг ғазабимни қўзғайди" дейди журналистларга Жо Жапп.

### ЯНА ЯПОНИЯЛИКЛАР

Ҳар жиҳатдан юксалган Япония мамлакати узоқ умр кўриш бўйича 2000 йилда энг юқори кўрсаткични қўлга киритган: эркаклар ўртача 77 йил, аёллар 84 йил умр кўришяпти.

Бу маълумотнинг аёлларга тегишли қисмига яна бир ҳайратомуз факт тиркаб қўйилмоқда: улар 16 йилдан бери муттасил равишда дунё бўйича узоқ умр кўрадиган аёллар деб эътироф этилаётир.

Тиним билмас тадқиқотчилар ҳозирда бунинг сабабларини ўрганишяпти.

**ana shunaqa gaplar**


Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати:* Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Нурлан УСМОНОВ,
Навбатчи: Абдуҳамид Абдуаҳад ўғли.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-3017. Тиражи 14527.
г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.